

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
2025 йил "23" июндаги
180-сонли буйруғига
илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ

«БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ
ГЕПАТИТЛАР» НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА
МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ

Тошкент – 2025



«ТАСДИҚЛАЙМАН»
ЎзР ССВ РИПИАТМ директори
Т.Ф.Д. А.А. Абдукаюмов

2025г.

**«БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТЛАР»
НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК
ПРОТОКОЛИ**

Тошкент-2025

МУНДАРИЖА

«БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТЛАР» НОЗОЛОГИЯСИНИНГ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ.....	5
«БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТЛАР» НОЗОЛОГИЯСИНИНГ ТИББИЙ АРАЛАШУВ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ.....	58
«БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТЛАР» НОЗОЛОГИЯСИНИНГ ТИББИЙ ПРОФИЛАКТИКА ВА РЕАБИЛИТАЦИЯ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ.....	66

**«БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ
ГЕПАТИТЛАР» НОЗОЛОГИЯСИНИНГ ТАШХИСЛАШ
ВА ДАВОЛАШ МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ**

1. Кириш қисми

Ушбу клиник протоколда сурункали вирусли гепатитлар билан оғриган болаларни ташхислаш ва даволаш бўйича тавсиялар мавжуд бўлиб, улар жигарда патологик жараёни аниқлаш ва организмни экстракорпорал детоксификация қилишнинг самарали усулларига тактик ёндашувларга асосланган. Ушбу протоколни ишлаб чиқиш учун асосий платформа Жигарни ўрганиш бўйича Европа ассоциацияси <https://www.easl2023>, Америка жигар касалликларини ўрганиш ассоциацияси <https://www.aasld2023>, Жигарни ўрганиш Осиё Тинч океани ассоциациясининг клиник тавсияларига <https://apasl-2020.html> асосланади, Америка "Global hepatitis elimination" коалицияси <https://www.globalhelp2023> ва PubMed, Tesseract маълумотлар базасига киритилган.

ХКТ-10/11 кодлари:

ХКТ-10		ХКТ-11	
В 18.1	Дельта агентсиз сурункали вирусли гепатит В	1E51.0	Сурункали вирусли гепатит В
В 18.0	Дельта агентли сурункали вирусли гепатит В	1E51.2	Сурункали вирусли гепатит D
В18.2	Сурункали вирусли гепатит С	1E51.1	Сурункали вирусли гепатит С
В18.8	Бошқа аниқланган сурункали вирусли гепатитлар	1E51.Y	Бошқа аниқланган сурункали вирусли гепатитлар
В 18.9	Сурункали вирусли гепатит ноаниқ этиологияли	1E51.Z	Сурункали вирусли гепатит ноаниқ этиологияли
		1E51.OY	Бошқа сурункали вирусли гепатит В
		1E51.00	Одам иммунодефицит вируси коинфекцияли сурункали вирусли гепатит В
		KA62.9	Тугма вирусли гепатит
	https://mkb-10.com/		https://icd.who/

Ишлаб чиқиш санаси: 2025 й. Қайта кўриб чиқиш санаси: 2027 й.

Мазкур клиник протокол ва стандартни ишлаб чиқиш учун масъул муассаса: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази

Миллий клиник протоколни яратишда ишчи гуруҳ таркиби:

Иноятова Флора Ильясовна - Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази гепатология илмий бўлими раҳбари, ЎзР ФА академиги

Мухамедов Нодиржон Боқиевич

- Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази гепатология бўлими мудир, т.ф.д.

Муаллифлар рўйхати:

Иногамова Гулноза Захиджановна – Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази гепатология бўлими етакчи илмий ходими, т.ф.н.

Ахмедова Акида Хотамовна - Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази гепатология бўлими катта илмий ходими, т.ф.н.

Валиева Наргиза Кабилджановна - Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази гепатология бўлими катта илмий ходими, т.ф.н.

Абдуллаева Феруза Гафуровна - Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази гепатология бўлими катта илмий ходими, т.ф.н.

Икрамова Нодира Анваровна – Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази гепатология бўлими кичик илмий ходими, PhD

Кадырходжаева Хилола Маруфовна – Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази гепатология бўлими кичик илмий ходими, PhD

Тулаганов Нодир Абдукодирович - Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази гепатология бўлими мудир

Абдуллаева Мадина Абдуллаевна - Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази гепатология бўлими кичик илмий ходими

Сон Татьяна Руслановна - Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази гепатология бўлими кичик илмий ходими

Кабулов Нодир Шухратович – Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази функционал ташхислаш шифокори

Такризчилар:

Туйчиев Лазиз Нодирович

Вирусология ИТИ директор ўринбосари,
т.ф.д., профессор

Худайкулова Гульнора Каримовна

ТТА менеджмент ва оммавий саломатлик
кафедраси мудир, т.ф.д., профессор

Миллий клиник протокол РИПИАТМ Илмий Кенгашида 2024 йил 25 апрел, №4-сонли баённомасида кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Техник экспертиза ва таҳрирлаш:

1. ЎзР ССВ Вирусология ИТИ вирусли гепатитларни текшириш илмий бўлими раҳбари, т.ф.д. Касимова Р.И.

2. ТошПТИ факультет педиатрия кафедраси мудир, т.ф.д., профессор Муродходжаева А.В.

Мазкур клиник протокол ва стандарт Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир ўринбосари Баситханова Э.И, Тиббий суғурта бошқармаси бошлиғи Ш. Алмарданов, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бошлиғи Ш.Р. Нуримова бошчилигида, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бош мутахассиси Г. Джумаева ва етакчи мутахассиси Н.Рахимовалар томонидан мутахассисларининг ташкилий ва услубий кўмагида ишлаб чиқилган.

Фойдаланилган қисқартмалар рўйхати

АЖКЎА	Америка жигар касалликларини ўрганиш Ассоциацияси
ЖЎЕА	Жигарни ўрганиш Европа Ассоциацияси
ЖЎБОТА	Жигарни Ўрганиш Бўйича Осиё-тинч океяни ассоциацияси
ЖССТ	Жахон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти
КХТ	Касалликларнинг Халқаро Таснифи
ТУЖ	Тананинг умумий ҳажми
ACLF	жигар етишмовчилиги мезонлари (АҚШ)
АлАТ	аланинаминотрансфераза
АсАТ	аспартатаминотрансфераза
ГГТП	гаммаглутамилтранспептидаза
ГЦК	гепатоцеллюляр карцинома
ИФА	иммунофермент анализ
ЛДГ	лактатдегидрогеназа
ПТВ	протромбин вақти
ПТИ	протромбин индекси
ХНН	халқаро нормалланган нисбат
ФҚТВ	фаоллаштирилган қисман тромбопластин вақти
ПЗР	полимераз занжир реакция
СВГ	сурункали вирусли гепатит
СГВ	сурункали гепатит В
СГС	сурункали гепатит С
СГД	сурункали гепатит D
ИФ	ишқорий фосфатаза
ЖЦ	жигар циррози
АИГ	аутоиммун гепатит
HBsAg	гепатит В вирусининг юзаки антигени
HBeAg	гепатит В вирусининг инфекциозлик антигени
HBeAb	гепатит В вирусининг инфекциозлик антитаначаси
HBcorAb	гепатит В вирусининг ядро антигенига антитанача
HBV-ДНК	гепатит В вируси геноми
HCV-РНК	гепатит С вируси геноми
HDV-РНК	гепатит D вируси геноми
ANA Ab	антинуклеар антитанача
SMA Ab	силлиқ мушакларга қарши антитанача
LKM Ab	жигар микросомал ҳужайра антитаначаси
СРО	С-реактив оқсил
УТТ	ультратовуш текшируви
УТДГ	ультратовуш доплерографияси
КТ	компьютер томографияси
МРТ	магнитрезонанс томографияси
ЭГДФС	эзофагогастроуденофиброскопия
ЭКГ	электрокардиография
ЭхоКГ	эхокардиография
ОП	оилавий поликлиника

МТП	марказий туман поликлиникаси
ҚОП	қишлоқ оилавий поликлиникаси
ГМ	гепатологик марказ
МП	маслаҳат поликлиникаси
ЎВГ	ўткир вирусли гепатит
ҚВП	қишлоқ врачлик пункти
УҚТ	умумий қон таҳлили
УСТ	умумий сийдик таҳлили

Атамалар ва таърифлар

Сурункали гепатит – бу гепатоцитларнинг бирламчи шикастланиши (дистрофия, некроз) натижасида келиб чиқадиган, камида 6 ой давомида яхшиланмасдан давом этувчи ва жигар циррозига ўтиш эҳтимоли бўлган жигарнинг яллиғланишли касалликлари гуруҳи.

Сурункали гепатит В – HBV-инфекция персистенциясига боғлиқ жигарнинг сурункали яллиғланиш-некротик касаллиги.

HBsAg ни ташувчанлик – яққол яллиғланиш-некротик жараёнсиз кечувчи жигарнинг HBV - инфекцияси.

HBsAb – ўтказган инфекцияни ёки эмлашдан кейинги антитаначаларнинг мавжудлигини кўрсатади.

HBeAg - В вируснинг қобик антигени, репликация белгиси, вируснинг pre-core мутацияси туфайли барча беморларда аниқланмаслиги мумкин, бунда қобик антигени синтези тўхтайд.

HBeAb – қобик антигени антитаначалари, сурункали гепатитнинг соғайиш кўрсаткичи ёки фаол бўлмаган босқичи.

HBcAg – гепатоцитларда HBV репликацияси, фақат жигар биоптатларида аниқланади.

HBcAb IgM – гепатит В вирусининг танадаги ядро антигени мавжудлигининг билвосита кўрсаткичи бўлган ўткир фаза ёки HBV-инфекциясининг кучайиши белгиси.

HBcAb IgG – давом этаётган ёки ўтказган HBV-инфекциясининг билвосита маркери.

HBeAg элиминацияси – илгари HBeAg-мусбат беморларда HBeAg нинг қондан йўқолиши.

HBeAg сероконверцияси – HBeAg нинг йўқолиши ва илгари HBeAg-мусбат ва анти-HBe-манфий беморларнинг қонида анти-HBe пайдо бўлиши, HBV-ДНК даражасини $<10^5$ копия/мл пасайиши билан бирга.

HBeAg реверсияси – илгари HBeAg-манфий ва анти-HBe-мусбат беморларда қонда HBeAg нинг қайта пайдо бўлиши.

ДНК HBV – В вирус репликациясининг бевосита белгиси.

Сурункали гепатит С - гепатит С вируси билан инфицирлангандан кейин олти ойдан кўпроқ вақт давомида давом этадиган инфекция.

НСVAb – гепатит С вирусига қарши умумий антитаначалар, ўтказган ёки давом этаётган HCV-инфекцияси кўрсаткичи, ВГС билан оғриган оналардан туғилган болаларда ҳаётининг биринчи йилидаги вақтинчалик (онадан ўтган) антитаначалар.

НСVcorAg - HCV IgM ва IgG паст диагностик аҳамиятга эга ва гепатит С бўйича Россия ва хорижий консенсусларда асосий тадқиқотлар рўйхатига киритилмаган.

NS оқсиллари (таркибий бўлмаган оқсиллар) - фақат вирус репликацияси вақтида пайдо бўлади, мажбурий маркер эмас.

РНК-НСV – С вирус репликациясининг бевосита маркери.

Сурункали гепатит D – РНК сақловчи HDV- вируси келтириб чиқарадиган сурункали жигар касаллиги бўлиб, бунинг учун албатта гепатит В вируси мавжуд бўлиши талаб қилинади.

HDAg – HDVAb IgM каби HDV нинг фаол репликация маркери.

HDV Ab – гепатит D вирусининг оксилларига IgM ва IgG синфларининг ўзига хос иммуноглобулинлари бўлиб, мавжуд инфицирланишни ёки олдин ўтказган инфекцияни кўрсатади.

РНК-HDV – HDV мавжудлиги ва репликациясининг бевосита маркери.

Виремиянинг интенсивлиги – қон зардобида вирус нусхаларининг сони (генокопий/мл) билан баҳоланади.

Аланин аминотрансфераза (АлАТ) – жигарнинг ўзига хос ферменти бўлиб, унинг қонда кўпайиши яллиғланиш фаоллиги (гепатоцитлар цитолизи) ни кўрсатади.

Аспартат аминотрансфераза (АсАТ) – жигарнинг носпецифик кўрсаткичи бўлиб, нафақат жигарда, балки бошқа органларда (юрак, буйраклар, мушаклар) ҳам мавжуд.

Билирубин – сафро пигменти, организмдаги сафронинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб, одатда холестаза маркери бўлган гемни ўз ичига олган оксилларнинг парчаланиши вақтида ҳосил бўлади.

Тўғри (боғланган) билирубин – умумий билирубиннинг токсик таъсири кам ва сувда эрийдиган қисми бўлиб, жигарда синтезланади, унинг кўп қисми ингичка ичакка ўтади.

Нотўғри (боғланмаган) билирубин – умумий билирубиннинг жуда заҳарли қисмидир, у сувда эримайди ва хужайраларга осонгина кириб, уларнинг фаолиятини бузиши мумкин.

Гаммаглутамилтранспептидаза (ГГТП, γ-ГТ) – жигар ва ўт йўллари хужайраларида жойлашган микросомал фермент бўлиб, жигар ички холестаза ва яллиғланиш маркери ҳисобланади.

Ишқорий фосфатаза (ИФ) – жигар ички холестаза кўрсаткичи.

ЛДГ 4 ва ЛДГ 5 – хужайра ичидаги гликолитик фермент бўлиб, унинг фаоллигини кўтарилиши гепатоцитларда яллиғланишни кўрсатади.

Альбумин ва протромбин индекси (ПТИ) – жигарнинг оксил-синтетик функцияси бузилганида кўрсаткичларнинг камайиши.

Гамма-глобулин – кўрсаткичнинг ошиши жигар тўқималарининг мезенхимал-яллиғланишини кўрсатади.

Вирус юкламаси - қон зардобида вирус нусхалари сони бўйича баҳоланади (генокопий/мл), инфицирланиш даражасини кўрсатади.

Биокимёвий ремиссия – терапия тугагандан сўнг дарҳол фермент кўрсаткичининг нормаллашиши.

Стабил биокимёвий ремиссия – терапия тўхтатилгандан кейин 6 ой ва ундан кўп вақт давомида нормал трансаминаз кўрсаткичларини сақланиши.

Тўлиқ ремиссия – даволашдан сўнг АлАТ ва АсАТ кўрсаткичларини нормаллашуви ва вируснинг РНК, ДНК сини дарҳол йўқолиши.

Тез вирусологик жавоб (ТВЖ): даволашнинг 4 ҳафтасидан сўнг қонда <50 МЕ/мл дан кам вирус нусхаларини аниқланиши.

Эрта вирусологик жавоб (ЭВЖ): даволашнинг 12 ҳафтасидан кейин вирус кўрсаткичининг бошланғич кўрсаткичидан $2 \log_{10}$ дан кўпга пасайиши.

Барқарор вирусологик жавоб – даволаш тугагандан 12 ҳафта ўтгач, қонда HCV-РНК ва HBV-ДНК аниқланмайдиган даражаси.

Стабил тўлиқ ремиссия - даволашдан 6 ойдан сўнг АлАТ ва АсАТнинг нормаллашуви ва РНК/ДНК вирусининг аниқланмаслиги.

Жавоб йўқлиги - даволаш вақтида РНК/ДНК вирусини аниқланиши.

Рецидив – даволашни яқунлаш вақтида қонда HBV/HCV нинг ДНК/РНК ни аниқланмайдиган даражаси, аммо кейинги 24 ҳафта ичида қайта аниқланиши.

Суперинфекция – бирламчи касалликни бартараф этишдан олдин янги инфекция жароғини ривожланиши.

Коинфекция – бир вақтнинг ўзида икки (ёки ундан ортиқ) инфекция жароғини ривожланиши.

Аутоантитанача – диагностик титрда аниқланиши аутоиммун жараёни тасдиқлайди. Аутоиммун гепатит (ANA, LKM-1) маркерлари ва қалқонсимон безнинг аутоиммун шикастланиши маркерларини аниқлаш лозим; кўрсатмага кўра бошқа аутоантитаначалар текширилади.

Антимитохондриял антитаначалар (AMA) – организмда таркибий қисмларига (митохондрияларга) ишлаб чиқарилган ўзига хос антитаначалар.

Антинуклеар антитаначалар (ANA) - ядронинг турли компонентлари билан реакцияга киришадиган аутоантитаначалар гуруҳи.

Жигар ва буйрак микросомаларига қарши 1-турдаги антитаначалар (Anti-LKM 1) – аутоантитаначалар гуруҳи бўлиб, аутоиммун гепатит маркерлари саналади. Уларнинг таъсири гепатоцит ферментларига ва буйрак каналлари эпителийсига қарши қаратилган.

1-тоифа цитозол антигенга (LC-1) ва эрувчан жигар/ошқозон ости беги антигенга (SLA/LP) – аутоиммун гепатитнинг диагностик белгиларидир; улар биринчи қатор антитаначалар аниқланмаганида иккинчи қаторнинг лаборатор кўрсаткичлари ҳисобланади: SMA, ANA ва anti-LKM-1.

Силлиқ мушакларга қарши антитаначалар (Anti-SMA) – силлиқ мушакларни йўқ қилиш учун ишлаб чиқарилган иммунитет тизимининг оқсиллари; танадаги мавжудлиги аутоиммун гепатит маркери ҳисобланади.

УТТ - бу жигар касалликларини ташхислаш, шунингдек, жигарнинг фаолиятини назорат қилишнинг юқори информатив, ноинвазив ва хавфсиз усули.

Жигар эластометрияси – орган тўқималарнинг эластиклиги ва қаттиқлигини баҳоловчи замонавий, информатив, юқори аниқликдаги ультратовуш текшируви.

Допплер текшируви ёки жигар томирларини дуплекс сканерлаш – талоқ ва жигар артериялари ва томирлари, шунингдек, уларнинг шохлари ҳолатини ташхислаш усули. Бу қон томирларининг диаметридаги ўзгаришларни аниқлаш, уларни қон билан тўлишининг ҳолатини аниқлаш ва қон оқимининг тезлигини ҳисоблаш имконини беради.

Тиббий ёрдам сифати – тиббий ёрдамнинг ўз вақтида кўрсатилиши, тиббий ёрдам кўрсатишда диагностик, даволаш, профилактик ва реабилитация усулларини тўғри танлаш, режалаштирилган натижага эришиш даражасини акс эттирувчи хусусиятлар мажмуи.

Клиник мезонлар – энг муҳим клиник белгилар бўлиб, уларнинг комбинацияси беморларда маълум бир касалликнинг мавжудлигини кўрсатади, аммо ташхис қўйиш учун етарли эмас.

Ташхислаш мезонлари – энг муҳим клиник, лаборатор ва инструментал белгилар бўлиб, уларнинг комбинацияси асосида маълум бир касалликнинг ташхиси аниқланади.

Далилларнинг ишончлилик даражаси – тиббий аралашувнинг аниқланган самараси ҳақиқий эканлигига ишонч даражасини акс эттиради.

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси – нафақат аралашув самарасининг ишончилигига бўлган ишонч даражасини, балки тавсияларга риоя қилиш муайян вазиятда зарардан кўра кўпроқ фойда келтиришига ишонч даражасини акс эттиради.

Протоколдан фойдаланувчилар гуруҳи:

Болалар гепатологлари, болалар гастроэнтерологлари, болалар юқумли касалликлари бўйича мутахассислари, генетик-шифокорлар, педиатрлар, умумий амалиёт шифокорлари, оилавий шифокорлар, тиббиёт олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, талабалари ва магистрлари, ординаторлари ва докторантлари.

Соғлиқни сақлаш ташкилотчилари

Беморлар тоифаси: 18 ёшгача бўлган СВГ билан оғриган болалар ва ўсмирлар.

ТАВСИЯЛАР СИНФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ШКАЛАСИ

Синф	ТАЪРИФИ	ТАЛҚИНИ
I	Муайян даволаш / тест / муолажа / аралашув усуллари фойдали ва самарали эканлиги исботланган ёки умумий қабул қилинган ВА потенциал фойда потенциал хавфдан аниқ ва сезиларли даражада устундир.	Тавсия этилган
II	Муайян даволаш / тест / муолажа / аралашувнинг фойда / самарадорлигига зид маълумотлар ва/ёки фикрлаш тафовути ЁКИ фойда/хавф мувозанатига оид ноаниқлик.	Мақсадга мувофиқ
IIa	Аксарият маълумотлар/фикрлар фойдаси/самарадорлигини кўрсатади.	
IIIb	Маълумотлар/фикрлар фойдаси/самарадорлиги ҳақида унча аниқ ишонарли эмас.	Ўта эҳтиёткорлик билан

Диагностик аралашув усуллари учун далиллар даражасини ишончилигини баҳолаш шкаласи

ДДИ	Ёритиш
1	Маълумотнома-назорат остидаги тадқиқотларни тизимли кўриб чиқиш ёки мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли кўриб чиқиш
2	Индивидуал маълумотнома-назорат остидаги тадқиқотлар ёки индивидуал рандомизацияланган клиник синовлар ва мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник синовлардан ташқари ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларни тизимли кўриб чиқиш
3	Маълумот усули бўйича кетма-кет назоратсиз тадқиқотлар ёки ўрганилаётган усулдан мустақил бўлмаган мос ёзувлар усули ёки тасодифий бўлмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан когорт тадқиқотлари
4	Қиёсий бўлмаган тадқиқотлар, клиник ҳолатнинг тавсифи
5	Ҳаракат механизми ёки эксперт хулосаси учун фақат мантиқий асос мавжуд

Профилактик, терапевтик ва реабилитатсия тадбирлари учун далиллар даражасини ишончилигини баҳолаш учун шкала

ДДИ	Ёритиш
1	Мета-таҳлил ёрдамида РСТ ларни тизимли кўриб чиқиш

2	Танланган РСТлар ва мета-таҳлилдан фойдаланган ҳолда РСТлар бундан мустасно, ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларни тизимли кўриб чиқиш
3	Тасодифий бўлмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан когорт тадқиқотлари
4	Қиёсий бўлмаган тадқиқотлар, мисоллар ҳисоботлари ёки ҳолатлар серияси вазиятни назорат қилиш бўйича тадқиқотлар.
5	Фақат ёндашувлар таъсир механизмини асослашга оид маълумотлар (клиникагача бўлган текширувлар) ёки экспертлар хулосаси

Профилактик, диагностика, даволаш ва реабилитация аралашувлари бўйича тавсиялар ишончилиги даражасини баҳолаш шкаласи

ТИД	Ёритиш
А	Кучли тавсия (барча самарадорлик чоралари (натижалари) муҳим, барча тадқиқотлар юқори ёки адолатли услубий сифатга эга ва уларнинг қизиқиш натижалари бўйича хулосалари изчил)
В	Шартли тавсиялар (кўриб чиқилган барча самарадорлик чоралари (натижалари) муҳим эмас, барча тадқиқотлар юқори ёки адолатли услубий сифатга эга эмас ва/ёки уларнинг қизиқиш натижалари бўйича хулосалари мос келмайди)
С	Заиф тавсия (адекват сифатли далилларнинг йўқлиги (барча самарадорлик мезонлари (натижалари) муҳим эмас, барчаси) тадқиқотлар паст услубий сифатга эга ва уларнинг қизиқиш натижалари бўйича хулосалари изчил эмас)

2. Асосий қисм

Кириш

Сурункали вирусли гепатит (СВГ) деярли барча жойда тарқалганлиги, жигар циррози ва гепатоцеллюляр карциномага олиб келиши хавфи мавжудлиги ва ушбу патология болалар ногиронлигининг сабабларидан бири бўлганлиги учун болалар ва ўсмирлар жигар касалликлари таркибида муҳим ўрин тутди

<https://www.troykaonline.com>Infektsionnoybolezni>

Ушбу клиник протокол сурункали вирусли жигар патологияси билан оғриган, 18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларни олиб боровчи ва даволовчи амалий шифокорлар учун услубий қўлланма ҳисобланади. Протокол сурункали вирусли гепатит билан оғриган болаларни клиник ва лаборатор- инструментал усуллар бўйича ташхислаш, базис терапия ва вирусга қарши даволаш, диспансеризациядан ўтказиш тадбирларини ўз ичига олади <https://riv.uz/deyatelnost/dokumenty/387.htm>.

Таъриф:

Сурункали вирусли гепатит – бу гепатотроп вируснинг (В, С, D, G, TTV) 6 ой ва ундан узоқ вақт давом этган персистенцияси натижасида ҳосил бўлган, жигардаги у ёки бу даражадаги яллиғланиш-дистрофик жараёнидир <https://cyberleninka.ru/article/n/hronicheskiy-virusnyy-gepatit-v-u-detey-i-podrostkov-sovremennyy-vzglyad-na-problemu/viewer>

Касалланиш. Гепатит В га қарши эмлаш ишларини олиб борилиши ва болаларда касаллик диагностикаси ва даволаш соҳасидаги ютуқларга қарамай, сурункали гепатит В (СГВ) муаммоси Ўзбекистон ва бутунжаҳон соғлиқни сақлаш тизими учун долзарблигича қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) гепатит тадқиқотлари бўлими

бошлиғи Марк Балтрейсга кўра, дунёда 257 миллиондан ортиқ одам гепатит В билан касалланган, яна 71 миллион киши сурункали гепатит С инфекцияси (СГС) билан яшайди ва зарурий даволанишсиз, 2030 йилга келиб касаллик 4,5 миллион одамни ўлимига сабаб бўлади, асосан жигар циррози ва гепатоцеллюляр карцинома (ГЦК) туфайли, бу кўрсаткичлар жигар патологияси бўлган беморларнинг ўлим сабаблари орасида биринчи ўринда туради <https://www.who.int/publications/i/item/global-hepatitis-report-2017> Гепатит В вируси билан инфицирланганлар орасида гепатит D вируси билан инфицирланиш 25 миллионга яқин. Ўлим даражаси бўйича сурункали вирусли гепатит силдан кейин иккинчи ўринда туради, гепатит билан касалланганлар сони эса ОИВ билан касалланганлардан 9 баробар кўп. Дунё аҳолисининг қарийб 45% сурункали HBV инфекцияси юқори эндемик минтақаларда яшайди (аҳолисининг камида 8 фоизи HBV юзаки антигенини (HBsAg) ташувчилардир), шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам. СГВ нинг циррозга ўтиш тезлигига таъсир қилувчи омиллар: ёш, эркак жинси, гепатит С, D вируслари, ОИВ инфекцияси билан коинфекциялар, жигар ферментларининг доимий юқори кўрсаткичлари, HBeAg бўйича ижобий статус ва HBV юкламасининг узок муддатли кўтарилиши <https://ipoeasid.ru/wp-content/uploads/2023/03/HG-V-u-detej>. Ривожланган мамлакатларда болаларда СГС 0,1% дан 0,4% гача учрайди <https://ipoeasid.ru/wp-content/uploads/2023/03/HG-C-u-detej>. Ҳар йили 3-4 миллион янги СГС ҳолатлари қайд этилади. Болаларда сурункали гепатит ривожланишида G ва TTV вирусларининг роли ҳали ҳам яхши ўрганилмаган муаммо бўлиб қолмоқда ва тадқиқотларни давом эттиришни талаб қилади.

Таснифлаш.

Сурункали гепатитнинг Лос-Анжелес таснифи (1994) қуйидаги тоифаларга асосланади ва улар ташхисни шакллантиришда акс этирилиши лозим¹²:

Этиологияси бўйича

- Дельта антигенли сурункали вирусли гепатит (В 18.0)
- Дельта антигенсиз сурункали вирусли гепатит В (В 18.1)
- Сурункали вирусли гепатит С (В18.2)
- Бошқа сурункали вирусли гепатит (В 18.8)
- Сурункали вирусли гепатит, аниқланмаган (В18.9)

HBV-инфекцияси табиий кечишига кўра патологик жараён босқичлари (5 фазага ажратилади):

- HBeAg – мусбат сурункали HBV-инфекция
- HBeAg – мусбат сурункали гепатит В
- HBeAg – негатив сурункали HBV-инфекция
- HBeAg – негатив сурункали гепатит В
- HBsAg – негатив HBV-инфекция (окульт гепатит В)

Ушбу тасниф 2017 йилда Европа жигар тадқиқотлари ассоциацияси (ЕЖТА) томонидан қабул қилинган, чунки илгари ишлатилган босқич номлари иммунологик маълумотлар билан тасдиқланмаган ва вирусга қарши даволаш учун кўрсатмаларни ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас. Ташхисни таклиф этилаётган янгиша шакллантиришда касалликнинг сурункали хусусиятлари иккита асосий тавсифлашга асосланган: инфекция/гепатит ¹³.

Жадвал 1.

Сурункали HBV-инфекцияли беморларда патологик жараён босқичлари тавсифи

	Жараён босқичлари / олдинги босқич номи
--	--

Маркерлар	HBeAg – мусбат сурункали HBV-инфекция /иммунотолерантлик босқичи	HBeAg – мусбат сурункали гепатит В /иммун реактивлик босқичи	HBeAg – неготив сурункали HBV-инфекция /ноактив ташувчанлик	HBeAg – неготив сурункали гепатит В/ реактивация босқичи	HBsAg – неготив латент (оккульт гепатит В)
HBeAg	+	+	-	-	-
HBeAb	-	-	+	+	-
ДНК-HBV	+++	++	+	++	-
АлАТ	N	>N	N	>N	N/>N
HBsAg/ HBsAb	+/-	+/-	+/-	+/-	-/±
HBcAb	+	+	+	+	+

Фаоллик даражасига кўра - клиник, биокимёвий, вирусологик ва инструментал ва морфологик маълумотларга асосланиб аниқланади:

- Минимал
- Ўрта
- Юқори

Сурункали гепатит босқичига кўра

- 0 - фиброз йўқ
- 1 – енгил перипортал фиброз
- 2 – порто-портал септа билан ўртача фиброз
- 3 – порто-марказий септалар билан ифодаланган фиброз
- 4 – жигар циррози

Фиброз даражасини морфологик материални ўрганиш натижалари асосида баҳоланади. Сўнгги йилларда фиброз даражасини инвазив бўлмаган усул – жигар эластометрияси (ультратовуш ёки магнит резонанс) ва лаборатория параметрлари тўпламининг натижалари асосида баҳолаш мумкин.

Вирусли фаоллик босқичига кўра:

- **Репликация босқичи:** репликатив (HBV-ДНК, HCV-РНК, HDV-РНК аниқланса) ёки норепликатив улар аниқланмаса («ноактив» – СГС хос; «интегротив» – СГВ га хос).
- **Вирус юклама даражаси:**
 - Паст – $2 \times 10^5 - 10^6$ копий/мл
 - Ўрта – $10^6 - 5 \times 10^6$ копий/мл
 - Юқори – $5 \times 10^6 - 2,5 \times 10^7$ копий/мл
 - Жуда юқори – $> 2,5 \times 10^7$ копий/мл
- **Генотиплари:** HCV (1a, 1b, 2a, 2b, 3a, 4 ва бошқ.); HBV – (A,B,C,D,E,F,G ва H); HDV (I, II, III). С вирус генотипини текшириш шарт, чунки у даволаш тактикасини белгилайди.
 - **HBV штамлари** («ёввойи» HBeAg-позитив ёки «мутант» HBeAg-негатив).

- **HCV субтиплари:** 1a, 1b ва 1c; 2a, 2b, 2c ва 2d; 3a, 3b, 3c, 3d, 3e ва 3f; 4a, 4b, 4c, 4d, 4e, 4f, 4h, 4i ва 4j; 5a; 6a.
- **HDV субтиплари:** 1a, 1b, 1c; 2a, 2b; 3

3. Ташхислаш усуллари, муолажалари ва ёндашувлари

Ташхислаш мезонлари

Шикоятлар: бемор ҳолсизлик, тез-тез чарчаш, камқувватлик, бош оғриши, асабийлик, иштаҳанинг пасайиши, қўнғил айниши, оғиз тахирлиги, ёғли овқат еёлмаслик, қорин дамланиши, нажаснинг ўзгариши (ич кетиши ёки қабзият), бурун, милк қонаши, қонталашилар, терисини сарғайиши, қичишиши, сийдикнинг тўқ рангда бўлишига шикоят қилиши мумкин.

Тавсиянинг кучлилиги В (далиллар даражаси - 1)

Эпидемиологик анамнез: онанинг ҳомиладорлик даврида ўткир ВГ билан оғриганлиги (айниқса охириги уч ойликда) ёки СВГ нинг зўриқишлари, боланинг аввал ЎВГ ўтказганлиги, анамнезда сариқлик, бурун қонаши, оилада инфицирланган беморлар билан маиший мулоқотларнинг мавжудлиги, қон ва қон ўрнини босувчи препаратлар трансфузияси; жарроҳлик муолажалари; кўп парентерал муолажалар (гемодиализ, акупунктура, сіrcumsіzia, татуировкалар), инвазив муолажалар (эндоскопия, стоматологда даволаниш), гепатит В га қарши эмлаш тартибининг бузилиши ёки тўлақонли ўтказилмаганлиги, касалликнинг кечиши, аввал СВГни даволашда ўтказилган муолажалар, уларнинг самарадорлиги.

1В	Эрта ёшдаги болалар учун онада HBV инфекцияси мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар жуда муҳим ҳисобланади ^{1,2}
1В	Агар касаллик бола ҳаётининг биринчи йилида гепатит В билан перинатал контакт аниқланса, эмлаш асосий бўлмаслиги керак, чунки инфекция пренатал даврда (эмлашдан олдин) содир бўлган бўлиши мумкин ^{1,3}

Объектив текширув.

Клиник кўрик: беморнинг бўйи, тана вазни, ҳарорати, сатурация, нафас ва пульс частотасини ўлчаш, терининг қуруқлиги ва оқимтирлиги, тилнинг қарашлиги, ўнг қовурға остида ва эпигастрал соҳада оғрик, метеоризм, тери ва склераларнинг суб- ёки иктериклиги, қонталашилар, терида петехиал қон қуйилишлар, пальмар эритема, томир «юлдузчалар», юз ва склераларда капилляр тўрлар, веноз коллатераллар, жигарни ва талоғни катталашилиши, уларнинг зичлигини, юзасини, қирраларини ўзгариши ва оғрикни борлиги.

Тавсиянинг кучлилиги В (далиллар даражаси - 1)

жигар пальпацияси ва перкуссияси: ўткир қиррали, ўлчамининг катталашилиши, оғрик борлиги, консистенцияси (ўрта қаттиқ, қаттиқ);

талог пальпацияси ва перкуссияси: ўлчами катталашган, қаттиқ консистенцияли.

2В	Гепатомегалия СВГнинг клиник белгиларидан бири ёки ягона бўлиши мумкин. Бола қанчалик кичик бўлса, спленомегалия шунчалик тез қайд этилади. гепатомегали ва спленомегалия оғирлиги касалликнинг оғирлиги билан боғлиқ ^{10,15}
-----------	--

Клиник синдромлар:
<i>Астеновегетатив синдром</i> – ҳолсизлик, тез-тез чарчаш, уйқу бузилиши, депрессия, астения, апатия, ишлашнинг пасайиши.
<i>Диспепсик синдром</i> – кўнгил айниши, қайд қилиши, иштаҳа пасайиши, метеоризм, ич бузилиши, оғриқ синдроми, ўнг қовурға остида оғирлик ҳис қилиш.
<i>Холестатик синдром</i> – терининг, склера иктериклиги, тери қичишиши, пешобнинг тўқ рангли бўлиши, нажаснинг оқариши.
<i>Мезенхимал – яллиғланиш синдроми</i> – артралгия, миалгия.
<i>Геморрагик синдром</i> – вақти-вақти билан бурун қонаши, терининг «қўқариши».

Лаборатор текширув:

- Умумий қон (29 параметрли; қон ивиш вақти), пешоб, нажас (яширин қон кетишига), (ғижжа тухумлари+протозойларга) микробиологик текширув таҳлили;

1В	Умумий клиник таҳлил маълумотлари (лейкопения, анемия, тромбоцитопения, яллиғланиш раекция белгилари) СВГ ривожланиши, асоратлари ва шошилиш ҳолатларда аниқлаш имконини беради ^{9,12}
-----------	---

Биокиёвий кўрсаткичлар:

- Аланинаминотрансфераза (АлАТ) N - <40 ед/л
- Аспаратаминотрансфераза (АсАТ) N - <35 ед/л
- Билирубин N - 3,4-20,5 мкмоль/л
- Тўғри (конюгирланган, боғланган) билирубин N-0,86-5,3 мкмоль/л
- Эркин (конюгирланмаган, боғланмаган) билирубин N – 1,7-17,1 мкмоль/л
- Гаммаглутамилтранспептидаза (ГГТП) N - 9-61 ед/л
- Ишқорий фосфатаза (ИФ) N < 15 ёш <644 ед/л; 15-17 ёш <483 ед/л
- ЛДГ 4, ЛДГ 5 N - <225 ед/л
- Альбумин N- 35-55 г/л
- γ-глобулин N – 11,1-18,8%
- Мочевина N – 2,5-8,3 ммоль/л
- Креатинин N – 44-115 мкмоль/л
- Қолдиқ азот N – 14,3-28,6 ммоль/л
- Глюкоза N - 3,2-6,1 ммоль/л
- Холестерин N - < 5,2 ммоль/л

Тавсиянинг кучлилиги В (далиллар даражаси - 1)

Гемостаз тизими

- Фибриноген N - 2-4 г/л
- Протромбин индекси (ПТИ) N – 80-100%
- Протормбин вақти N - 14-19 сек
- Тромбин вақти N – 15-19 сек
- ФҚТВ N – 23-36 сек
- ХНН N – 0,89-1,13

- D-димер N - < 0,49 мкг/мл
- Қон гуруҳи ва резус-фактор
- Ревмопроба (СРО, ASLO, RF)
- ОИВ

Тавсиянинг кучлилиги В (далиллар даражаси - 1)

Жигар шикастланишининг биокимёвий синдромлари
<i>Жигар-хужайра этишмовчилиги синдроми</i> - альбумин, протромбин, холестерин миқдорини пасайиши ва пешобда галактоза ажралишини кўпайиши билан тавсифланади.
<i>Цитоллиз синдроми</i> аминотрансфераз фаоллиги ошиши билан тавсифланади. Де- Ритис коэффициенти (АсАТ/АлАТ нисбати) >1,0 тенг.
<i>Холестаз синдроми</i> зардобда умумий билирубин боғланган билирубин ҳисобига, холестерин, ИФ фаоллиги ва ГТП нинг сезиларли даражада ошиши билан тавсифланади.
<i>Мезенхимал - яллиғланиш синдроми</i> – гамма-глобулин ошиши, ДНКга қарши антитанача пайдо бўлиши, ревматоид омил, криоглобулинлар, гуморал иммунитет кўрсаткичлари ўзгариши.
<i>Ўсимта ўсиши ва регенерациясини баҳолаш</i> α-фетопроtein (α-ФП) - гепатоцеллюляр карциномада ўсимта ўсишининг ягона маркеридир. ИФА усули билан қон зардобда α-ФП миқдори нормада 10-25 нг/мл ташкил қилади. α-ФП нинг аҳамиятли кўтарилиши (8 мартта ёки ундан кўп) ўсимтага хос. α-ФП нинг қисман кўпайиши эса гепатит ва жигар циррозида кузатилади.

Вирусологик кўрсаткичлар:

Сурункали гепатит В

HBsAg, HBsAb, HBeAg, HBeAb, HBcorAb total, HBcorAb IgM ва IgG,
HBV-DNA (сифатий ва миқдорий ПЦР, генотиплар: А, В, С, D)

Изоҳ: Қон зардобда HBeAg, HBcorAb IgM, HBV-DNA нинг аниқланиши вирус репликацияси ҳақида гувоҳлик беради.

Сурункали гепатит С

HCVAb total, HCVAb IgM ва G, HCVcorAg
HCV-RNA (сифатий ва миқдорий ПЗР, генотиплар: 1a, 1b, 2a, 2b, 3a, 3b)

Изоҳ: Қон зардобда HCVAb IgM, HCVcorAg ва HCV-RNA нинг аниқланиши вирус репликацияси ҳақида гувоҳлик беради.

Сурункали гепатит D

HBsAg +/-, HDVAb total, HDVAb IgM ва IgG, HDAg
HDV-RNA (сифатий ва миқдорий ПЗР, генотиплар I, II, III)

Изоҳ: Қон зардобда HDVAb IgM, HDAg ва HDV-RNA нинг аниқланиши вирус репликацияси ҳақида гувоҳлик беради.

1А	<p>Этиологик ташхисни тасдиқлаш ва жараён босқичини аниқлаш учун амалга оширилади. Асимптоматик шаклларни скрининг қилиш мақсадида гепатит В вирусининг юза антигени (HBsAg) ва гепатит В вирусининг юза антигенига қарши антитаначаларни (HBsAb) аниқлаш тести ўтказилади. Бундан ташқари, ўтказган инфекцияни дифференциал ташхислаш мақсадида гепатит В вируси (HBsAg) ядро антигенига қарши IgG мавжудлиги (мусбат HBsAg/HBsAb мусбат) ва эмлашдан кейинги иммунитет (манфий HBsAg/мусбат HBsAb) скрининги ўтказилиши мумкин. HBsAg антитаначаларини аниқлаш, HBV инфекциясининг латент шакли бўлган болаларни аниқлаш имконини беради. HBsAg антитаначаларини текшириш иммуносупрессив даволашни талаб қиладиган беморлар учун айниқса муҳимдир, чунки HBV реактивацияси ўтмишда HBV (мусбат HBsAg/манфий HBsAg) билан касалланганларда пайдо бўлиши мумкин ^{1,2,3,8,10}</p>
1А	<p>Вирусли гепатит С билан перинатал контактда бўлган болаларни текшириш 2 ойдан катта ёшдаги болаларга тавсия этилади. Қонда HCV-РНК ПЦР усулида текшириш тавсия этилади. Агар боланинг қонида РНК HCV аниқланмаса, кузатув 18 ойгача ҳар 6 ойда бир мартга амалга оширилади. Доимий манфий ПЦР натижалари ва қонда ИФА усулида HCVAb бўлмаса, бола соғлом деб назоратдан чиқарилади. Агар қонда ИФА усулида HCVAb манфий 12 ойгача сақланса, бу ёшда назоратдан олишга рухсат берилади. Қонда ИФА усулида HCVAb 12 ва 18 ойларда ўтказиш, перинатал контакт назоратидан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш мумкин. Боланинг 2ойлик, 6 ойлик, 12 ойлик, 18 ойлик ёшида қонда HCV РНК ПЦР усулида текшириш шарт. Бола 6 ойгача бўлганида қонда РНК HCV аниқланса "Ўткир вирусли гепатит С", ва бойдан катта бўлганида "Сурункали вирусли гепатит С" ташхиси қўйилади. Катта ёш гуруҳидаги болаларда (ЎВГС ёки СВГС) инфизицирланиш ва ташхис тасдиқланса диспансер кузатуви амалга оширилади ^{9,11,19}</p>

Виремиянинг интенсивлиги қон зардобидидаги нусхалар сони (генокопий/мл) билан баҳоланади:

- **Вирус репликацияси даражаси бўйича:**
 - Жуда паст – $<10^3$ копий/мл
 - Паст – $10^3 - 10^6$ копий/мл
 - Ўрта – $10^6 - 10^8$ копий/мл
 - Юқори – $> 10^8$ копий/мл
- **АЛТ ва АсАТ фаоллиги даражаси бўйича (тахминий)**
 - Минимал – нормадан 1,5-2 баробар ошиши;
 - Ўрта – нормадан 2-3 баробар ошиши;
 - Юқори – нормадан 3-5 баробар ва ундан кўп ошиши.

Сурункали вирусли микст-гепатит

Бир вақтнинг ўзида икки ва ундан кўп вирусли агентларнинг: HBV+ HCV; HBV+HDV ва HBV+HCV+HDV аниқланиши (HBV-DNA, HCV-RNA, HDV-RNA -сифатий ва миқдорий ПЦР).

Беморларни текширишда вирусли жараён билан бевосита боғлиқ бўлмаган, лекин вирусга қарши даволашга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган бошқа жигар касалликлари ва тана ҳолатини истисно қилишга имкон берадиган қуйидаги параметрларни ўрганиш шарт:

- Қонда церулоплазмин миқдори (200 мг/л ёки 20 мг/дл паст) суткалик пешобда мис миқдори (45 мкг/сут. паст) – Вильсон-Коновалов касаллиги маркери;
- Аутоиммун маркерлар (антинуклеар антитаначалар (ANA), силлиқ мушак тўқимага қарши антитаначалар (SMA), эрувчан жигар антигенига қарши антитаначалар (SLA), жигар/буйрак микросомал антитаначалар (LKM-1), гамма–глобулин (25-30% юқори);
- Зардобда темир, ферритин, трансферрин – иккиламчи гемохроматозни истисно қилиш;
- Альфа-фетопротеин – ўсимта ўсиши ва регенерацияси маркери;
- Глюкоза толерантлик тести (тахминий) – жигар гликогенозини истисно қилиш;
- Иммуноглобулинлар А,М,Г,Е;
- Интерферон фракциялари (α , β , γ);
- Триглицеридлар, липид спектри – тўпланиш касаллигини истисно қилиш (Гоше касаллиги, гликогеноз касаллиги);
- TORCH-инфекциялар - HSV-1 IgM, IgG, HSV-2 IgM, IgG, HSV-1/2 IgM, IgG, CMV IgM, IgG;
- EBV- вирус этиологияли – EBVAb EA IgG; EBVAb VCA IgM, IgG; EBVAb NA IgM, IgG; EBV-DNA (сифатий ва миқдорий ПЗР);
- Электролитлар – электролит баланси бузилишини ташхислаш учун – (калий -3,6-5,4 ммоль/л, кальций – 2,0-2,6 ммоль/л, натрий – 135-150 ммоль/л, магний -0-0,5 мг/л, фосфор – 4,0-7,0 мг/дл, хлор – 38-106 ммоль/л);
- Орфан касалликларининг генетик панели (Гоше касаллиги, Ниман-Пик, Фабри, Помпе, Краббе, мукополисахаридоз), Байлер, Вильсон, Жильбер, гликогеноз касаллиги, α -1-антитрипсин, креатинфосфакиназа, глюкоза-6-фосфатдегидрогеназа – ирсий-генетик жиҳатдан аниқланган жигар касалликларини истисно қилиш.

Тавсиянинг кучлилиги В (далиллар даражаси - 2)

Инструментал текширувлар.

Гепатобилиар соҳа УТТ. СВГ фаоллиги даражаси гистологик текширувлар натижаси асосида аниқланади. Аммо, кўп йиллик кузатувлар асосида, шунингдек, болаларда ушбу текширув усулининг инвазивлиги, натижаларни баҳолашда хатолар бўлиш имкони ва амалиётда болаларда биопсияни қўллашда чекловлар мавжудлиги бизга СВГ фаоллигини УТТ натижалари бўйича тахминий мезонларини ишлаб чиқишга ва тавсия қилишга туртки берди ²¹:

Минимал/Паст* - Жигар катталашмаган ёки баъзи ҳолларда 2 см.гача катталашган, контурлари текис, четлари ўткир, чап бўлагини бурчаги меъёрда (<45%). Капсула текис, зич эмас, юпқа “ҳошия” кўринишида. Паренхима перипортал зоналардаги майда ўчоғли тузилмалар ҳисобига бир хил ёки ўртача зичликда. Портал тизимдаги томирлар кенгаймаган, аниқ. Жигар эхогенлиги кам ёки ўртача ошган, баъзан эхогенлигини бир нотекис ошганлиги кузатилади (яъни жигарни кўпроқ зарарланган бўлагиди эхогенлик кўпроқ ошади,

шунингдек, паренхиманинг зичлиги ҳам ошади). Талок катталашмаган, паренхимаси бир текис, V.lienalis ёшига мос, эхогенлиги ошмаган.

Ўрта - Жигарнинг ўлчамлари катталашган. Контурлари текис, четлари юмалоқланган. Капсуласи ўртача зичликда. Паренхима ўртача зичлашган ёки портал тракти бўйлаб жойлашган кўплаб майда ўчоғли тузилмалар ёки ўрта ўчоғли ҳар-хил зичликдаги тузилмалар ҳисобига бир текис зичлашмаган, бутун паренхима бўйлаб майда ўчоғли кўплаб тузилмалар нотекис жойлашган. Эхогенлиги ўрта ошган. Портал тизимнинг томирлари кенгаймаган, аниқ эмас ёки томирлар архитектурасини бирмунча ўзгариши кузатилади. Талок катталашмаган ёки ўртача катталашган. Паренхимаси бир хил, эхогенлиги ўртача ошган, V.lienalis кенгаймаган.

Юқори - Жигар ўнг бўлаги ҳисобига катталашган ёки қовурға орасидан кўринади. (асосан асцитли беморларда). Контури кўпинча текис эмас, фрагментар кўринишда. Капсуласи зич, 1,0 см гача ва кўпроқ қалинлашган. Паренхима кўплаб ўрта ва катта ўчоғли ҳар хил зичликдаги, диаметри 0,3 см ва ундан кўпроқ тузилмалар ҳисобига зичлашган, томирлар бўйлаб бириктирувчи тўқима ўсган. Эхогенлиги юқори. Портал тизим томирлари аниқ эмас, V.hepatica ипсимон ёки кўринмайди, шохланиш орасидаги бурчаги 45° дан кўпроқ. V. Portae диаметрига катталашган, эгри-бугри, баъзи жойларда торайган, девори зичлашган. Талок катталашган, кўпинча нотўғри шаклда, эхогенлиги юқори, паренхимада кўплаб майда ўчоғли тузилмалар бор. Дарбоза-талок веналари тизими кенгайган, эгри, ҳалқасимон, коллатераллар кўринади. Жигар-ҳужайра етишмовчилиги даврида қорин бўшлиғида асцит аниқланади.

УТТ да СВГ нинг минимал ва паст даражаси ўртасида фарқ бўлмагани учун кўрсаткичларни бир гуруҳга бирлаштирдик.

ФГДС ёки қизилўнгач ва ошқозоннинг R-скопияси - қизилўнгач/ошқозоннинг варикоз томирларини аниқлаш ва қон кетиш хавфини баҳолаш.

Ультратовуш текшируви остида пункцион гепатобиопсия - инвазив текширув бўлиб, жигар тўқималари ҳолатини аниқ баҳолаш учун жигар тўқимасини (7-8 портал йўллари) олишга имкон беради.

Тавсиянинг кучлилиги А (далиллар даражаси - 1)

Биопсия намунасини гистологик текшириш ташхислаш учун "олтин стандарт" ҳисобланади, шунингдек, гепатитнинг сурункали босқичи (фиброз) шу билан бирга некрояллиғланиш жараёнининг (фаоллиги) оғирлик даражасини ишончли тарзда баҳолайди ва бошқа жигар касалликларини аниқлаш имконини беради.

Тавсиянинг кучлилиги В (далиллар даражаси - 2)

Гепатобиопсия учун кўрсатмалар:

- аминотрансферазаларнинг 6 ой ёки ундан кўп вақт давомида кўтарилиши;
- номаълум этиологияли гепатомегалия;
- сурункали жигар касаллигини даволашга жавобни баҳолаш;
- жигардан ташқи обструкция белгиларисиз, сабабсиз сариклик.

Жигар пункциясини бажаришда мутлоқ қариши кўрсатмалар:

- бемор умумий ҳолатининг оғирлиги;
- коагулопатия;

- жигарички ўт йўлларининг кенгайиши;
- хавфсиз акустик ойнанинг йўқлиги;
- эхинококкозга шубҳа;
- ўнг плевра бўшлиғида инфекция жараён.

Нисбий қарши кўрсатмалар:

- асцит;
- томир деворининг ўтказувчанлиги бузилган касалликлар;
- жигарнинг йирингли-яллиғланиш касалликлари, ўт йўллари блоккланиши; бемор билан контакт йўқлиги;
- анестезияга аллергик реакциялар;
- беморнинг руҳий беқарорлиги.

Олинган пункцион биоптатни морфологик текшириш умумий қабул қилинган баҳолаш тизимлари (R.J. Knodell, Metavir, Jshak) ёрдамида амалга оширилади ва жигарда яллиғланиш жараёнининг фаоллигини ва касалликнинг сурункали босқичини баҳолаш учун зарур.

Яллиғланиш фаоллик даражаси кўпинча R.J.Knodell индекси сифатида танилган ярим миқдорий гистологик фаоллик индекси (ГФИ) билан баҳоланади (индекснинг дастлабки учта компоненти яллиғланиш фаоллик даражасини акс эттирса, тўртинчиси фиброз даражасини акс эттириши муҳим - 2-жадвалга қаранг).

2-жадвал.

R. J. Knodell бўйича гистологик фаоллик индекси, 1981.

Компонентлар	Рақамли диапазонни баҳолаш
1. Перипортал некроз билан кўприкли некроз мавжуд ёки йўқ	0-10
2. Интралобуляр дегенерация ва фокал некроз	0-4
3. Портал яллиғланиш	0-4
4. Фиброз	0-4

Баллар йиғиндиси жигар яллиғланиши даражасини кўрсатади:

- 0 – яллиғланиш йўқ
- 1-4 – минимал яллиғланиш
- 5-8 – яллиғланиш кам
- 9-12 – яллиғланиш ўрта
- 13-18 – яллиғланиш юқори.

Вирусли гепатитларда яллиғланиш фаоллигини баҳолашда замонавий қўлланмалар METAVIR шкаласидан фойдаланишни тавсия қилади (3-жадв.).

3-жадвал.

METAVIR шкаласи бўйича гистологик фаолликни баҳолаш, 1994.

Босқичли некроз	Лобуляр яллиғланиш	ГФИ
0 (йўқ)	0 (йўқ ёки юмшоқ)	A0
	1 (ўрта)	A1
	2 (яққол)	A2
1 (юмшоқ)	0, 1	A1
	2	A2
2 (ўрта)	0, 1	

	2	A3
3 (яққол)	0, 1, 2	

Сурункали жараённинг босқичи R.J. Knodell, Metavir ва Ishak шкаллари ёрдамида **фиброз даражаси** бўйича баҳоланади, 1994 (4-жадв.).

4-жадвал.

Жигар фибрози босқичлари

Баллар	Knodell	Ishak	METAVIR
0	Фиброз йўқ	Фиброз йўқ	Фиброз йўқ
1	Портал томирларини фиброзли кенгайиши	Портал томирларини фиброзли кенгайиши билан/ ёки майда септада фиброз йўқ	Портал трактларни септа ҳосил булмасдан юлдузчасимон кенгайиши
2	Портал томирларини кенгайиши + портопортал септада	Кўплаб портал томирларини фиброзли кенгайиши билан/ёки майда септларда фиброз йўқ	Портал трактларни бирламчи портопортал септ билан кенгайиши
3	Кўприкли фиброз – портопортал ёки марказий портал септада	Кўплаб портал трактларни бирламчи кўприкли портопортал септлар билан фиброзли кенгайиши	Цирроз йўқ кўплаб марказий портал септлар
4	Цирроз	Портал трактларни яққол кўприкли портопортал ва марказий портал септлар билан фиброзли кенгайиши	Цирроз
5	-	-	-
6	-	Цирроз, эҳтимол ёки ишончли	-

Ҳозирги вақтда **фиброз даражасини баҳолашнинг янги усуллари (Фиброскан)** пайдо бўлди - улар биопсиядан кейин динамикада мониторинг учун қўллаш мумкин.

Жигарнинг транзитор ва тўлқинсилжишли эластографияси («Фиброскан» аппарати, Франция) – аъзонинг зичлигини аниқлаш асосида фибрознинг яққоллигини, жигар тўқималарининг эластик хусусиятларини ва жараённинг ривожланиш тезлигини баҳолашга имкон берувчи ноинвазив усул (5-жадв.).

Тавсиянинг кучлилиги C (далиллар даражаси - 2)

5-жадвал.

Фибрознинг морфологик босқичларига кўра эластография кўрсаткичлари

METAVIR шкаласи бўйича фиброз босқичи	Кўрсаткичлар, кПа	Диагностик аниқлик, %
F0	1,5-5,8	88,6
F1	5,9-7,2	87,2
F2	7,3-9,5	93,2
F3	9,6-12,5	90,9
F4	12,5 дан юқори	95,5

Магнит-резонансли эластография – турли текисликларда аъзо тўқимасини визуализация қилиш учун шароит яратадиган усул бўлиб, жигар зичлиги ва унинг паренхимасининг фиброз ёки цирроз ривожланиши билан боғлиқ ўзгаришларни, юмшоқ тўқималарнинг механик хусусиятларини миқдорий аниқлашга имкон беради.


Тавсиянинг кучлилиги В (далиллар даражаси - 2)

Жигар-хужайра етишмовчилиги ва портал гипертензия синдроми жигар паренхимасининг циррозли трансформацияси мавжудлиги ҳақида гувоҳлик беради.


Сурункали вирусли гепатит кўпинча асимптоматик ёки баъзи бир клиник кўриниши билан кечишини ҳисобга олсак, айниқса хавф гуруҳидаги болаларни фаол текшириш зарур. Хавф гуруҳига киради: CDC бўйича *хавф гуруҳига* куйидагилар киради:

- В ва С вируслари билан касалланган, шу жумладан В вирусининг юзаки антиген ташувчи оналардан туғилган болалар.
- Қон реципиентлари, гемодиализдаги беморлар.
- Сурункали гепатитли беморнинг оила аъзолари.
- Гепатит В га қарши эмланмаган болалар.
- Эндоскопик ва бошқа жарроаҳлик муолажасидан кейинги болалар.
- Татуаж ва пирсингли ўсмирлар.

**Вирусли гепатит В, С, D га шубҳали болаларни бошланғич текширув
АЛГОРИТМИ**



Болаларда сурункали HBV-инфекцияни ташхислаш АЛГОРИТМИ



5-жадвал.

Дифференциал ташхислаш ва қўшимча текширувларни асослаш

Ташхис	Дифференциал ташхислаш учун асослаш	Текширув	Ташхис мезонларини истисно қилиш
Цитомегаловирус, кизилча вируси, HSV 1,2,6 типлари, EBV, парвовирус В19 вируслари чақирган СГ	Жигар тўқимасининг шикастланиши кўпинча туғма, кам ҳоллада орттирилган, ҳамда улар генерализацияланган инфекция ҳолда бўлиши мумкин	Биокимёвий қон таҳлили, ИФА, ПЦР конда, пешобда, сўлакда, қови, мочи, суюқликда ва бошқа муҳитлар	Ушбу инфекциялар жигар шикастланиши, неврологик симптомлар, бошқа тизим ва органлар зарарланиши билан бирга ривожланади, бу ҳолатларда ВГ В ва С истисно қилиш шарт.
Токсоплазмаз, протозойлар чақирган СГ	Туғма ва орттирилган генезли генерализацияланган токсоплазмоз инфекцияли жигар тўқимасининг шикастланиши	ИФА, ПЦР, бош мия R-графияси ёки КТ	Туғма токсоплазмозда жигар шикастланиши билан бирга хориоретинит, гидроцефалия, интрацеребрал кальцификат “учлик” зарарланиши, ўткир гепатитдан ташқари энцефалит, менингоэнцефалит ва бошқалар шикастланиши кузатилади.
